



СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдувохидов Акмал Абдулазизович -
Гулистон давлатуниверситети доценти,
Расулов Содик Садуллаевич -
Қарақалпоқ давлатуниверситети
мустақил изланувчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a61

Аннотация. „Ўзбекистон-2030“ стратегиясида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш мақсадига эришиш борасида бир гектардан олинадиган ўртacha даромадни 5 минг долларга етказиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида экспорт ҳажмини йилига 10 миллиард долларга етказиш, ҳосилдорлик қўрсаткичларини пахта бўйича ўртacha 45-50 центнерга, ғалла бўйича 80-85 центнерга етказиш каби вазифалар ижросини таъминлаш кўзда туттилган. Бу каби вазифаларнинг амалий ижроси, биринчи навбатда, сугориладиган ерлардан фойдаланиши ҳолатига боғлиқ. Шундан келиб чиқкан ҳолда, мазкур мақолада сугориладиган ерлардан фойдаланишини такомиллаштириш борасида сўз юритилади.

Ключевые слова: миллий хўжалик, иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги ресурслари, агросаноат мажмуси, ер ресурслари, сугориладиган ерлар, ер муносабатлари, ер ижараси.

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ УЛУЧШЕНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ

Абдувохидов Акмаль Абдулазизович -
Доцент Гулистанскоого государственного университета,
Расулов Садик Садуллаевич -
Независимый исследователь
Каракалпакского государственного университета

Аннотация. Стратегия „Узбекистан – 2030“ предусматривает реализацию таких задач, как доведение среднего дохода с одного гектара до 5 тысяч долларов с точки зрения достижения цели резкого повышения производительности и рентабельности в сельском хозяйстве, доведение объема экспорта в аграрном секторе до 10 миллиардов долларов в год, доведение показатели производительности в среднем 45-50 центнеров с хлопка, 80-85 центнеров с зерно, практическая реализация таких задач зависит в первую очередь от состояния использования орошаемых земель. Из этого следует, что в этой статье речь пойдет об улучшении использования орошаемых земель.

Ключевые слова: национальная экономика, отраслевая структура экономики, аграрная экономика, сельскохозяйственные ресурсы, агропромышленный комплекс, земельные ресурсы, орошаемые земли, земельные отношения, аренда земли.

PRIORITY AREAS FOR IMPROVING THE USE OF IRRIGATED LAND

Abduvohidov Akmal Abdulazizovich -
Associate Professor, Gulistan State University,
Rasulov Sadik Sadullaevich -
Karakalpak State University independent researcher

Annotation. The strategy "Uzbekistan – 2030" provides for the implementation of such tasks as bringing the average income per hectare to \$ 5,000 in terms of achieving the goal of a sharp increase in productivity and profitability in agriculture, bringing the volume of exports in the agricultural sector to \$ 10 billion per year, bringing productivity indicators on average 45-50 quintals from cotton, 80-85 the practical implementation of such tasks depends primarily on the state of use of irrigated land. It follows from this that this article will focus on improving the use of irrigated land.

Keywords: national economy, sectoral structure of the economy, agrarian economy, agricultural resources, agro-industrial complex, land resources, irrigated lands, land relations, land lease.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш суръатлари шундан гувоҳлик берадики, қишилик жамиятининг барча соҳа ва жабҳалири, айниқса, глобал иқлим ўзгариши натижасида сайёрамизнинг кўплаб ҳудудларида кенг авж олаётган қашшоқлик ва очарчиликка барҳам беришнинг асосий омилларидан бири сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, шунингдек, уларга турли йўналишларда хизмат

кўрсатувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятини инновациялар асосида ташкил этиш стратегик аҳамият касб этгани ҳолда, ушбу жараённи узлуксиз такомиллаштириш давр талабига айланмоқда. Мухим стратегик тармоқлардан бири сифатида қишлоқ хўжалигининг вазифаси мамлакатда, шунингдек, жаҳон миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Goldman Sachs халқаро консалтинг компаниясининг маъ-

лумотларига кўра, БМТ 2050 йилга бориб, дунё аҳолиси 9,8 млрд. кишига етишини, бунинг учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 70 фоизга ошириш кераклигини башорат қилмоқда [1]. БМТ, ХВЖ, Жаҳон банки каби бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар дунёда озиқ-овқат инқизози янада чигаллашишини, бунинг учун қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, соҳага инновацияларни изчил жорий этиш, илмий тадқиқотларни янада жонлантириш зарурлигини таъкидлашмоқда [2].

Ер муносабатлари борасида амалда тарқиб топган тизим ундан фойдаланиш самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш борасида янгича йўналишларни излаб топиш, ташкилий-иктисодий механизмни такомиллаштиришни талаб қиласди. Ер муносабатларини таҳлил қилиш Ўзбекистонда бу борада туб ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини, турли хил табиатга эга бўлган иктиносидий, ижтимоий ва экологик омилларнинг таъсири остида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш борасида жиддий хатарлар вужудга келаётганлигини кўрсатмоқда. Бу ерга эгалик қилиш шакллари ва турларини ўзгартириш, ердан фойдаланиш борасида ҳуқуқий ва иктиносидий муносабатларни тартибга солиш, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигидан далолат беради.

Адабиётлар таҳлили. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлиги қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги технологияларининг мукаммаллик даражаси ва интенсивлик даражасига боғлиқ бўлиб, у нафақат ишлаб чиқариш рентабеллигининг мақбул даражаси, балки тупроқ унумдорлигини оширишни ҳам таъминлаши лозим бўлади [3].

Е.Ю.Меркулова ва Г.В.Вязов қишлоқ хўжалиги соҳасида иктиносидий самарадорликни баҳолаш учун ҳам қиймат ва ҳам табиий кўрсаткичлардан фойдаланиш лозимлигини таъкидлайдилар. Мазкур муаллифлар асосий кўрсаткичларга ернинг рентабеллиги, ер сифими ва ер қайтими каби кўрсаткичларни киритишади, бунда улар мазкур рўйхатни тармоқ ва фаолият тури бўйича ҳисобланган ялпи қўшилган қиймат ҳажми билан тўлдирадилар [4]. Шунингдек, улар ерни шудгорлаш даражаси, ҳосилдорлик, ўғитлаш ва муайян бир экин турини бир гектарга экишда озукा моддалари олиш каби кўрсаткичларнинг муҳимлигини тан олишади.

Жорий ва таққосланадиган нархларда ер майдони бирлигига ялпи маҳсулот эмас, балки товар маҳсулотлар ишлаб чиқариш Т.Г.Ханбаев ва Л.С.Даибова томонидан ердан фойдаланиш иктиносидий самарадорлигининг асосий ва умумлаштирувчи кўрсаткичи сифатида баҳоланади [5].

Бир қатор муаллифларнинг фикрича (В.Б.Алакоз, Д.А.Овсянников), ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш воситаларидан бири ҳудуднинг ер тузилиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади[6].

Адабиётлар таҳлилидан шундай хulosага келиш мумкинки, ердан фойдаланишни ташкил этиш ердан фойдаланишда энг юқори иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорликка эришишга қаратилган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш бўйича изчил чора-тадбирлар тизимини ифода этади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини маҳаллий ва хорижий олимларнинг ердан фойдаланиш борасидаги муносабатларни тартибга солишга бағишиланган илмий изланишлари натижалари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича қабул қилинган хукумат дастурлари ва йўл хариталари ташкил қиласди. Тадқиқот ишининг услубияти суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш боғлиқ бўлган муносабатларни тизимили-функционал ва диалектик ўзаро боғлиқлиқда тадқиқ қилишда намоён бўлади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни ташкил этишнинг асосий устувор йўналишлари этиб қуйидагилар таклиф қилинган:

- агросаноат мажмуи соҳасида банд бўлган ҳудудлардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган;

- агросаноат мажмуи соҳасида банд бўлган ҳудудлардан фойдаланишни бошқаришнинг услубий ёндашувлари белгиланган;

- бўш турган ҳудудларни бизнес айланмасига жалб қилиш воситалари таклиф этилади;


- оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

қишлоқ хўжалигини рақамли ўзгартириш шароитида агро-инновацияларни жорий этиш таклиф этилади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилирини рағбатлантириш борасида давлатнинг ислоҳотчилик ўрни ошиб бораётган бўлсада, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси тўлиғича ўз ечимини топаётгани йўқ.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган ерлардан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар етарлича эмас [7].

Шу муносабат билан биз қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича қуйидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирлар мажмуини таклиф қиласми (1-расм):



1-расм. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича қуидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирлар мажмуи

Манба: муаллиф ишланмаси.

– ердан фойдаланишни ташкил этишини такомиллаштиришда давлатнинг етакчи ролини кучайтириш;

– ақлли қишлоқ хўжалиги тизимини фаол жорий этиш ва улардан фойдаланиш;

– қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш учун ишлаб чиқариш омили сифатида ахборотлаштиришни кенг жорий этиш;

– қишлоқ хўжалигининг асосий табиий-иктисодий ресурси сифатида ердан мувозанатли фойдаланишга қаратилган ташкилий, иқтисодий ва экологик механизмларнинг таъсирини кучайтириш.

Ерни бошқаришни мақбуллаштириш соҳасидаги давлатнинг устуворлиги сақланиб қолиши керак, бу талаб кўп укладли бошқарувни амалга оширишга имкон берадиган бозор иқтисодиёти тамоийларига зид эмас. Агросаноат мажмуаси эҳтиёжлари учун фойдаланилувчи ер майдонларини хусусийлаштириш соҳасида миллий манфаатларнинг устуворлиги ер ресурсларини бошқариш, уларни ташхислаш, фойдаланиш жиҳатларини прогноз қилиш, деградация аҳамияти омилари таъсиридан ҳимоя қилишни таъминлаши лозим.

Албатта, бундай қарашни амалга ошириш қишлоқ хўжалигидан оқилона фойдаланишга бағищланган давлат ва минтақавий даражада йўл хариталарини тузиш бўйича ишларни давом эттириш заруратини тақозо қилувчи тўлақонли институционал базани яратишни талаб қиласди, бу эса агросаноат мажмуи эҳтиёжлари учун фойдаланилаётган ер майдонларини бошқаришда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолардан қочиш имконини беради.

Хеч бир шубҳасиз, норматив-хуқуқий хужжатлар қўйидаги кўринишдаги тадбирларни ўтказиш заруратини таъкидлаши лозим:

– агросаноат мажмуаси эҳтиёжлари учун мўлжалланган ер майдонларидан фойдаланишни бошқариш жиҳатлари;

– қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилаётган ер майдонларининг экологик жиҳатлари, улар, ўз навбатида, ташкилий жиҳатдан тупроқнинг ифлосланишини камайтириш ва унумдорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим;

– имкон қадар тупроқ сифатини яхшилаш билан боғлиқ ечимларга асосланган агроИнновацияларни кенг жорий этиш;

– агросаноат мажмуаси эҳтиёжлари учун фойдаланилаётган ер майдонларининг технологик жиҳатлари;

– ер тузиш ва ер ресурсларини бошқариш жиҳатлари.

Бундай чора-тадбирларни тўлақонли амалга ошириш ер реестрининг мавжудлигини талаб қиласди, бу, ўз навбатида, маълумотларни мунтазам янгилаш билан тасдиқланади.

Муайян иқтисодий вазиятларда у қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рентабеллигини ошириш борасида кўзланган иқтисодий вазифага зид келиши мумкин бўлса-да, аммо тупроқни муҳофаза қилиш, ерни бошқариш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш узоқ муддатли ва ўзини иқтисодий жиҳатдан оқловчи стратегик вазифа ҳисобланади.

Шу тариқа қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар мажмуи ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар мажмууни таъминлайди, деган хулосага келиш мумкин.

Давлат ваколатлари соҳасидаги қарорларни қабул қилишнинг мезодаражасида ер ресурсларидан мақбул фойдаланиш масалалари худудлар фаолиятининг ягона жиҳатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим. Агросаноат мажмуаси эҳтиёжлари учун фойдаланилаётган ер майдонларидан фойдаланишни режалаштириш ва ташкил этиш миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳалари фаолиятига зарар етказувчи оқибатларни келтириб чиқармаслиги лозим.

Ер ресурсларини бошқариш муаммолари га комплекс ёндашувнинг натижаси ерни бошқариш ва худудий режалаштиришнинг ягона схемаси – минтақанинг ер сиёсатини амалга оширишнинг башорат қилувчи воситаси бўлиши лозим.

Бундай схемалар маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятларни худудларнинг ҳолати ва уларни узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш имкониятлари тўғрисида ишончли ва тўлиқ маълумот билан таъминлаш мақсадида яратилади. Худудларни ва умуман, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши доирасида миллий хавфсизлик масалалари бўйича асосий қарорлар ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олмасдан қабул қилиниши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун банд бўлган худудларнинг ахборот базасини яратишнинг пировард мақсади ер ресурсларидан Ўзбекистон худудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг умумий векторига мувофиқ фойдаланишни мақбуллаштиришдан иборат бўлиши лозим. Ерлар нафақат рентабелликни ҳисобга олган ҳолда, балки ер майдонларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга эътиборни қаратган ҳолда мақбул тақсимланиши лозим.

Агросаноат мажмуаси эҳтиёжлари учун фойдаланилувчи худудлардан мақбул фойдаланишни прогнозлаш ва ташкил этиш бўйича ишлар натижасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи ер ресурсларини табиий районлаштириш тўғрисидаги маълумотларни таҳлил

қилиш ва ер майдонларининг мақбул тузилишини аниқлаш асосида миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини бошқариш субъектлари манфаатларига зид бўлмаган шароитда, миллий озиқ-овқат хавфсизлиги ва чорвачилик саноатининг озуқа базасига бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда яратилиши лозим.

Хўжалик юритишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги қишлоқ хўжалиги ерларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш борасида муайян чекловлар қўяди. Автоном ҳудудий тузилманинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш йўналишларини аниқлаш борасида: тупроқ унумдорлиги, ер тузилиши, ишлаб чиқариш харжатлари, чорва моллари маҳсулдорлиги, бозор сифими, маҳсулот рентабеллиги кабиларни таҳлил қилиш талаб қилинади.

Мустақил ҳудудий бирликнинг ер ресурсларини ривожлантириш йўлларини асослаш борасида тавсия этилаётган тадбирлар мажмуи бир неча йўналишларни ўз ичига олади:

- 1) агросаноат мажмуаси эҳтиёжлари учун фойдаланилувчи ҳудудларнинг ҳажми ва тузилишини белгилаш;

- 2) ер ресурсларининг тармоқ ичидаги ўзгариш йўналишлари;

- 3) сифат жиҳатдан ер ресурсларининг технологик харитасини тушиб: алоҳида қийматга эга бўлган, қимматли, паст қийматли ва фойдаланишда чекланган ерлар – масалан, сувни муҳофаза қилиш ҳудудлари ерлари;

- 4) ер ресурсларидан фойдаланиш борасида ҳудудий тузилмалар билан ўзаро муносабатларнинг “йўл харитасини” ишлаб чиқиш;

- 5) ердан фойдаланишни интенсивлаштириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари, бошқа турдаги ресурслардан фойдаланиш имкониятларини (масалан, моддий-техник) боғлаш механизмини аниқлаш;

- 6) ҳудудий таълимнинг қишлоқ хўжалиги секторига ихтисослашуви масалалари.

Мулкчилик ва хўжалик юритишнинг барча шакларида ер ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга имкон берувчи аграр ва ер билан боғлиқ ҳудудий сиёсатни амалга ошириш борасида ҳудудий режалаштиришдан ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ер муносабатларини ривожлантиришни моделлаштириш жараёни ва ер ресурсларини мақбул тақсимлаш усули сифатида фойдаланишни таклиф қиласиз (2-расм).

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 3-боби 11-моддасида “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштиришга мувофиқ амалга оширилиши ва қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш тўғрисидаги норма-

тив ҳужжатларнинг талаблари ер участкалари ни қонуний сақлаш вазифаларига таалуқли бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларга ана шу участкаларни бериш шартлари жумласига киритилиши” [8] белгилаб қўйилган.


Ушбу ҳолатда тайёргарлик ишлари, асосан, маълумотлар билан операцияларни ўз ичига олади. Бунда иқтисодий ва ижтимоий, ташкилий, экологик, технологик жиҳатдан кўриб чиқилаётган ҳудуддаги ишларнинг ҳолати тўғрисида хulosha чиқаришга имкон берувчи маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва бирламчи қайта ишлаш амалга оширилади. Йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш ва уларни бошқарув маълумотларига айлантириш учун олдиндан бирламчи ва олинган кўрсаткичларнинг кенг тўплами шакллантирилади. Табиий шароитлар, ер ресурсларининг ўрганилганлик даражаси, ҳудудда амалга оширилаётган ерга бўлган эгалик борасидаги жараён натижалари, экологик ҳолат қайд қилинади.

Маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари бошқа турдаги кўрсаткичларни аниқлаштириш борасида маълумот тўплашни талаб қилиши мумкин. Мазкур босқичнинг натижаси ўлароқ, картографик материаллар тўпланади.

Иккинчи ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан асосий бўлган босқич табиий ва қишлоқ хўжалиги жиҳатидан районлаштириш босқичи ҳисобланади. Районлаштириш жараёнида кўриб чиқилаётган ҳудуд унинг чегараларидағи турли хусусиятларнинг бир хиллиги ёки турличалиги нуқтаи назаридан ўрганилади. Турли-туманлик аниқланган тақдирда, ўхшаш хусусиятлар билан бирлаштирилган ва бошқалардан фарқ қилувчи алоҳида ҳудудий бирликлар ажратилади.

Алоҳида таксонларга нисбатан турли даражадаги технологик ва бошқарув қарорлари қабул қилинади, ҳаракатлар режалари ва режаларни амалга ошириш борасида мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқилади. Кўриниб турибидики, районлаштириш параметрларини танлаш ва ҳар бир жиҳат борасида ҳудудни бўлакларга ажратиш мақсаддага мувофиқлик тамойили билан мос келиши лозим. Ҳаддан ташқари ортиқча бўлакларга ажратиш таксонлар чегарасида агробиологик хусусиятларни аниқлаш имкониятларини пасайтиради ва аксинча, таксонларнинг керакли даражада бўлакларга ажратилмаслиги технологик жараёнларни битта ажратилган бирлик чегараларида мақбуллаштириш борасида ягона чора-тадбирларни ишлаб чиқишига имкон бермайди.

**QISHLOQ XO'JALIGIGA MO'LJALLANGAN YERLARDAN FOYDALANISHNI HUDUDIY REJALASHTIRISHNI TASHKIL ETISHNING USTUVOR
YO'NALISHLARI**



2-расм. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни худудий режалаштиришини ташкил этишининг устувор йўналишлари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Маъмурий-худудий бирликлар доирасида районлаштириш зоналар ва шунингдек, аграр соҳанинг хўжалик бирликлари доирасида жойлашган зоналарни фарқлаш мақсадида амалга оширилади, бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги

ерларидан фойдаланишнинг мақбул усуллари бўйича умумий тавсиялар, шунингдек, бир қатор тегишли масалалар бўйича ечимлар ишлаб чиқишига имкон беради

1-жадвал

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни таҳлил қилишнинг худудий тузилмаси[17]

Бўлимлар	Ташкилий-худудий чора-тадбирлар ва материаллар номи
Тайёргарлик ишлари	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий ривожланиш даражаси
	Ернинг хусусиятлари (табиий шарт-шароитлар)
	Қишлоқ хўжалиги ерлари ҳолатининг ўрганилганлик даражаси
	Ер ресурслари салоҳиятининг ҳолати
	Ер билан боғлиқ ҳуқуқий ислоҳотлар натижаси
Табиий қишлоқ хўжалигини районлаштириш	Салбий таъсирга учраган ерларнинг ҳолати
	Табиий-қишлоқ хўжалик районлаштириш бирликларининг хусусиятлари
	Табиий-қишлоқ хўжалик районлаштириш бирликлари кесимида майдонлар бўйича ерларнинг тақсимланиши ва таркиби
	Худуднинг ташкилий-иктисодий хусусиятлари
	Худуд қишлоқ хўжалигини ривожлантириш омиллари ва шарт-шароитлари
Қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилина фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича таклифлар	Ердан фойдаланиш усуллари ва технологиялари бўйича ўхшаш ҳудудлар
	Ерларни тоифалар, ерлар ва рухсат этилган фойдаланиш турлари бўйича тақсимлашни тақомиллаштириш
	Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш тизимини тартибга солиш
	Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш борасида ер тузиш қоидаларини белгилаш
	Ер бозори инфратузилмасини ривожлантириш
	Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни мақбуллаштириш бўйича консалтинг тизимини ташкил этиш
	Ерларни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмунини ишлаб чиқиши

Куйидагилар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш майдонларини районлаштириш натижаси ҳисобланади:

– қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан, ердан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш усуллари ва чекловларини тавсифловчи матнли хужжатлар;

– ҳудудий бирликларни тавсифловчи ўлчамларига қараб, уларни рельеф, иқлим, тупроқ, гидрологик ва бошқа жиҳатлар бўйича фарқлашни кўзда тутувчи ва таксонларнинг чегараларини яққол кўрсатиб берувчи картографик ва схематик хужжатлар;

– хариталар, кесмалар кўринишидаги материаллар.

Агросаноат мажмууда банд бўлган ҳудудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирлар районлаштириш бирликларининг хусусиятлари, ҳуқуқий ва ташкилий чеклов шаклларининг намунавий шартлари, ердан фойдаланиш режимлари борасида ишлаб чиқилган меъёrlар асосида ишлаб чиқилади.

Ер бозори ва ер консалтингини ривожлантириш бўйича рағбатлантирувчи чора-тадбирлар ҳам ўз навбатида, табиий қишлоқ хўжалигини районлаштириш натижаларига асосланади.

Илмий тадқиқотларнинг оралиқ натижалари ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни

муҳофаза қилишни таҳлил қилишга бағишиланган ҳудудий меъёrlарни ишлаб чиқишига имкон беради (1-жадвал).

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни режалаштиришни ташкил этиш борасида тавсия этилган услубий асослар қуйидагиларга имкон беради:

– ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг танланган йўналишига мувофиқ ерларни тақсимлаш механизмини тақомиллаштириш;

– агросаноат мажмуасининг ер салоҳиятидан фойдаланишни ҳудудий ташкил этишни мақбуллаштириш йўналишларини белгилаш;

– иқтисодий фаолият субъектларининг юқори даражада даромад олишларига имкон яратган ҳолда, ҳудудий бирлик чегараларида ердан фойдаланишни ташкил этиш;

– қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни мақбуллаштириш йўлларини излаб тошиш борасида илмий тадқиқот ва инновацион йўналишларни белгилаш.

Бўш ерларни хўжалик муомаласига қайта-риш, шунингдек, янги участкаларни ўзлаштириш бир хил хатти-ҳаракат эмас, уларни шартли равишида бир қатор чора-тадбирлар мажмуудан иборат бўлган учта асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

- бундай участкальарнинг мавжудлиги ва хусусиятлари тўғрисида маълумот базасини шакллантириш, тўлдириш, янгилаш ва улардан ҳар қандай манфаатдор шахсларнинг фойдалана олишларини таъминлаш;

- ерни иқтисодий айланмага жалб қилишдан кўпроқ манфаатдор шахсларга фойдаланиш учун бериш;

- янги жалб қилинган участкальарда ердан фойдаланишни ташкил этишининг энг самарали ва айни пайтда пухта усулларини ҳуқуқий жиҳатдан назорат қилиш ва иқтисодий рағбатлантириш.

Фойдаланилмаётган ерларни қишлоқ хўжалиги айланмасига қайтадан жалб қилиш назарияси ва амалиёти бўйича олиб борилган тадқиқотлар ушбу тартиби мақбуллаштириш ва тезлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг умумий рўйхатини шакллантириш, шунингдек, ушбу рўйхатга бир қатор қўшимча унсурларни қўшишга имкон берди.

1. Агросаноат мажмуи эҳтиёжлари учун фойдаланилувчи ҳудудларнинг тўлиқ маълумотлар базасини шакллантириш. Давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакили бўлган давлат ҳокимияти органлари ер ресурслари устидан назорат функцияларини амалга ошириш бўйича тизимли иш олиб бормоқда. Ушбу иш учун барча ер участкальарнинг эгалари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш керак.

Ер участкасини фойдаланилмаган деб тан олиш тартиби схемаси кўйидагича: биринчидан, унинг чегаралари белгиланади; иккинчидан, ер участкаси давлат кадастр рўйхатига олинади. Келгусида қайта ташкил этилган бошқарув обьекти доирасида ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кадастр профили ишлари тўпламини амалга ошириш каби тартиблар талаб қилинади. Кадастр профили ишлари мажмуасини амалга ошириш тартибини амалга ошириш қайта ташкил этилган бошқарув обьекти доирасида ҳудудларга нисбатан бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши лозим [9].

Агросаноат мажмуи эҳтиёжлари учун фойдаланилмаётган ер майдонларининг тўлиқ маълумотлар базасини шакллантириш жараёни талаб қилинмаган ер улушларига эгалик қилининг дастлабки рўйхатларини таҳлил қилишдан бошланади. Агар манфаатдор жисмоний ва юридик шахсларга бундай участкалар тўғрисида хабар берилмаса, фойдаланилмаётган ерларни хўжалик айланмасига жалб қилишни ташкил этиш мумкин эмас. Ерни тасарруф этиш ҳуқуқларини тўғри бирлаштириш ва ўтказиш учун потенциал янги фойдаланувчилар нафақат участкальарнинг сифат ўлчамлари ва ҳолати, балки уларнинг ҳуқуқий ҳолати, эгалари ва бошқа маълумотлар тўғрисида ҳам ахборотга

эга бўлишлари лозим. Тегишли маълумотлар базаларини жуда тез тузиш мумкин, аммо мунтазам янгиланишни талаб қиласи, буни худудлар даражасида ташкил қилиш бирмунча самарали ҳисобланади [10].

Сўз юритилаётган фойдаланилмаётган ерларнинг бир қисми бугунги кунда давлатга тегишли бўлса-да, бугунги кунда уларни қайта тақсимлаш орқали ҳақиқий фойдаланувчилар ихтиёрига бериш долзарб вазифа ҳисобланади. Барча даражадаги ҳокимият органлари ердан фойдаланиш масалаларини тўғри ташкиллаштиришдан манфаатдордир.

2. Амалиёт сифатида агросанат мажмуи эҳтиёжлари учун банд қилинган ер майдонларини қайта тақсимлаш жараёни икки томонлама тавсифга эга.

Бирламчи аҳамиятга эга бўлган муҳим жиҳат самарадорлиги шубҳали бўлган мулкдорларнинг ҳуқуқларини бекор қилиш ҳисобланади. Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор қилиниши натижасида ер участкальаридан фойдаланиш ҳуқуқи самарадорлиги шубҳа туғдирмайдиган хўжалик юритувчи субектларга ўтказилиши лозим. Иккала ташкилий жиҳат ҳам давлат ҳокимияти органларининг манфаатларини бузмасдан, уйғунашган тарзда амалга оширилиши лозим.

3. Ердан фойдаланиш самарадорлиги шубҳа уйғотувчи ер участкальарига бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 48-модасига мувофиқ, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар:

1) бизнес-режаларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирларни назарда тутишлари;

2) зона шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экиши, деҳқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тизимларини жорий этишлари;

3) ҳайдаладиган ерларни сақлаш ва кенгайтирилишини таъминлашлари;

4) мелиоратив жиҳатдан нобоп суфориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишлари, пичанзор ва яйловларга сув чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;

5) хўжаликнинг бутун ички суфориш ва коллектор-дренаж тармоғини ҳамда ундаги иншоотларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;

6) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суфориладиган ерларнинг шур босиши ва захланисига, ерларнинг ва сув манбаларининг ифлосланиши ва зарарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари;

7) қишлоқ хўжалиги экинлари ва довдараҳтларни парвариш қилишнинг сув тежала-диган технологияларини, суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари;

8) ерларни муҳофаза қилиш юзасидан, шу жумладан, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик юза-сидан тегишли чоралар кўришлари шарт.

4. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бериш. Ер участкасини ёки ер улушкини мажбурий тортиб олиш механизмлари амалга оширилаётган вазиятда давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари вакили бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари оммавий аукционларни ўтка-зади. Агар эҳтиёж бўлса, дастлабки кадастр ишлари олиб борилади. Агар кимошди савдоси на-тижаларига қўра мулк ҳуқуқи қўлга киритилмаса, унда ер участкаси ёки улушки давлат ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мулкига айланishi мумкин [11].

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли “Ер муносабатларида тенглик ва шаффо-ликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активи-га айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони[12], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”[13], 2023 йил 3 апрелдаги 137-сонли қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участка-лари ижарасига доир ҳуқуқий муносабатлар та-комиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг ““Қишлоқ хўжалигига мўл-жалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарорига ўзгаришиш ва қўшим-чалар киритиш ҳақида”ги қарорлари [14] муҳим аҳамият касб этади.

5. Ердан фойдаланишни иқтисодий раф-батлантириш воситаларидан фойдаланиш. Агросаноат мажмуаси эҳтиёжлари учун банд қилинган ҳудудлардан фойдаланишнинг жонланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-кувватлашни фаоллаштириш билан бевосита боғлиқдир. Ерларни қишлоқ хўжалиги айланмасига жалб қилиш зарурати шароитида давлат томонидан қўллаб-кувватлаш чоралари турлича бўлиши мумкин:

- ер тузиш, кадастр ишларини ташкил этиш харажатларини қоплаш;

- культивация, техник ишлар бўйича харажатларни қоплаш;

- мулкни қайта сотиб олиш ва ерга ишлов бериш харажатларининг бир қисмини қоплаш механизмини амалга ошириш орқали агроса-

ноат мажмуида фаолият кўрсатувчи ва банкрот-лик ёқасида бўлган тадбиркорлик субъектларининг ўз мол-мулкларини сақлаб қолиш борасида хатти-ҳаракатларини бирлаштиришларига кўмаклашиш.

Агросаноат мажмуаси эҳтиёжлари учун банд қилинган ҳудудлардан товарларни тақсимловчи инфратузилмани яратмасдан туриб, мақбул даражада фойдаланишни йўлга қўйиб бўлмайди. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш, сотиш тартибини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар тармоғини на-зарда тутади.

Бундай инфратузилмани яратиш учун истеъмол, тайёрлов, таъминот-сотиш коопера-тивлари тармоғини шакллантириш, фуқаролардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун қўшимча пунктлар яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи қайта ишлаш пунктлари сонини кўпайтириш, ишлаб чиқариш функцияларини амалга оширадиган бошқа тадбиркорлик фаолияти пунктлари, маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотиш, масалан, электрон савдо майдончаларини ташкиллаштириш талаб қилинади [15].

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 апрелдаги ПҚ-121-сонли “Қишлоқ хўжалиги корхоналари дала четларидағи ер майдонларида маҳсулот етиши-тириш тизимини такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарори муҳим ўрин тува-ди. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳу-дудлар ихтисослашуви, ички ва ташқи бозор-лардаги маҳсулотларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда инвестициялар, шу жумладан, тўғ-ридан-тўғри хорижий инвестициялар иштиро-кида замонавий улгуржи-тақсимот марказлари-ни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-рини етишириш, қайта ишлаш, юқори қўшил-ган қийматга эга тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини ўз ичига оладиган кластер-ларни жадал ривожлантириш каби масалалар белгилаб берилган.

Хулоса ва тақлифлар. Таклиф этилаётган чора-тадбирларни тизимли амалга ошириш ку-йидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- ер ресурсларининг ҳолатини сифат, миқдор ва ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш, шу асосда ернинг ҳолати тўғрисида долзарб ва ишончли маълумотларни шакллантириш;

- ердан вижданан ва самарали фойдаланувчилар қатламини яратиш;

- ердан фойдаланишнинг иқтисодий механизми самарадорлигини ошириш, уни инвестициялар учун янада жозибадор қилиш;

- ер солиғининг маҳаллий бюджетларга ундирилувчанлигини ошириш.

Давлат ҳокимияти органлари ва ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаш шартларидан келиб чиққан ҳолда ажралмас мувозанатлаш муаммоси фақатгина агробизнеснинг функционал соҳаси сифатида уларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш орқали ер ресурслари базасини яратиш орқали ҳал қилинади [16].

Суғориладиган қишлоқ ҳўжалиги ерларидан фойдаланиш борасида кўзга ташланаётган инқирозли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ҳар бир худуд бўйича фойдаланилмаётган ер майдонларини қишлоқ ҳўжалиги айланмасига жалб қилиш борасида "йўл харитаси"лари ишлаб чиқиши талаб қилинади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги "2023 йилда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-113-сонли қарори имзоланди. Хужжатга кўра, 2023 йилда 100 минг гектардан зиёд ер майдонлари қишлоқ ҳўжалиги соҳасига қайта фойдаланишга киритилади.

Қорақалпоғистон Республикасида чорвага озуқа етиштириш учун аҳолига дехқон ҳўжалиги юритиш мақсадида бериладиган ерларнинг майдони 2 гектардан 5 гектарга оширилади.

2023 йил 1 майдан бошлаб "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган жисмоний шахслар айрим товарларнинг чакана савдо обьектларида харидини амалга оширганда ва ушбу харидни солик органларининг маҳсус мобил иловасида харид чекининг фискал белгисини QR-код ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказганда, уларнинг банк карталарига ҳар ой якуни билан харид суммасининг 1 % микдоридаги тўлов ўрнига харид суммасида тўланган ҚҚС суммаси қайтирилади.

Қарор билан 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, унда қуйидаги тадбирлар кўзда тутилган:

"Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

"Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи" тўғрисида қонун қабул қилиш;

худудларда 10 та агрологистика марказлари ва 41 та совуткичли сиғимларни ташкил этиш;

"E-IJARA" тизими орқали аҳолига 92,6 минг гектар ер майдонини дехқон ҳўжалигини ташкил этиш мақсадида очиқ электрон танлов орқали ажратиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида Австралиянинг "Рубикон" компанияси тажрибаси асосида сув ресурсларини бошқариш жараёнини автоматлаштириш лойиҳасини амалга ошириш;

сув ресурсларидан фойдаланишни рақамлаштириш;

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг Геоахборот тизимини Интернет тармоғига жойлаштириш ва барча фойдаланувчилар учун эркин фойдаланишни йўлга кўйиши.

Худуд ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш "йўл харитаси"ни амалга оширишнинг мақсади сифатида баҳолашимиз мумкин.

Белгиланган мақсадга эришиш борасида ўзаро боғлиқ вазифалар мажмуи бажарилишига эришиш лозим:

- қишлоқ ҳўжалиги аҳамиятига эга бўлган, аммо фойдаланилмаётган ер участкаларини қишлоқ ҳўжалиги айланмасига жалб қилиш;

- тупроқ унумдорлигини сақлаш ва бойитиш;

- ер улушлари ва ер участкаларининг муомаладан чиқиб кетишининг олдини олиш;

- агросаноат мажмуи соҳасида иш ўринлари сонининг қисқаришига йўл қўймаслик.

Ердан фойдаланишни агроэкологик ва иқтисодий жиҳатдан асослаш қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида ер тузиш лойиҳаларининг амалий иқтисодий таҳлили орқали амалга оширилади. Ушбу босқичларнинг барчasi қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзгарган институционал ва иқтисодий шароитларига жавоб берадиган янги тамойиллар асосида қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида ер тузиш лойиҳалари асносида ишлаб чиқилади. Экин майдонларининг алоҳида иш майдонларининг чегараларини лойиҳалаш, аслида, тупроқ унумдорлигини бойитишни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларининг расмийлаштирилган тавсифига асосланган амалий иқтисодий таҳлил муаммосини ҳал қилишdir. Чегарани белгилаш борасида лойиҳа ечи мининг самарадорлиги кўрсаткичларига битта иш ҳудудидаги тупроқ унумдорлиги даражаси, шунингдек, ҳосилни етиштириш учун технологик операцияларни бажариш харажатлари боғлиқ бўлган экинларнинг технологик хусусиятлари таъсир қиласди.

Аниқ қишлоқ ҳўжалиги ердан фойдаланиш соҳасидаги илғор технологик ечимлардан бири бўлиб, у бир вақтнинг ўзида харажатларни тежаш ва дала ишлаб чиқаришда молиявий даромадларни ошириш билан боғлиқ иқтисодий мақсадларга эришиш, шунингдек, экинларни экологик жиҳатдан тоза етиштиришни таъминлашга имкон беради.

Аниқ қишлоқ хўжалиги асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради, чунончи, аниқ қишлоқ хўжалиги технологияларини жорий этиш катта молиявий ва иқтисодий ресурсларни талаб қиласди. Бундай технологиялардан фойдаланишни кичик ва майда ишлаб чиқарувчилар ўзларига раво кўра олмайдилар.

Бугунги кунда ахборотлаштириш шунчаки қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш омили эмас, балки иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ишлаб чиқариш омиллари, хусусан, ердан оқилона фойдаланиш-

ни ташкил этиш ва инновацион ривожлантиришнинг муҳим усулига айланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиши ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ер фондини тартибга солишда давлатнинг етакчи ролини кучайтириш; ақлли қишлоқ хўжалиги тизимларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни ахборотлаштиришни кенгайтириш; ерларни тоифаларга ажратиш асносида ерларнинг сифат ва миқдорий хусусиятларини янгилаш бўйича ишларни амалга ошириш; фойдаланилмаётган қишлоқ хўжалиги ерларини қайта тиклаш ва шу кабилар ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.jf24.ru/selskoe-hozyajstvo-budushhego-globalnye-trendy/>
2. <https://rosng.ru/post/content-perspektivy-razvitiya-mirovogo-selskogo-hozyaystva-do-2050-goda-vozmozhnosti-ugrozy>
3. Меркулова Е.Ю. Методика оценки эффективности использования земельных ресурсов региона. / Е.Ю.Меркулова, Г.Б.Вязов. // Вестник Тамбовского университета. Гуманитарные науки. 2015. № 2(142). С. 55-65.
4. Меркулова Е.Ю. Методика оценки эффективности использования земельных ресурсов региона. / Е.Ю.Меркулова, Г.Б.Вязов. // Вестник Тамбовского университета. Гуманитарные науки. 2015. №2(142). С. 55-65.
5. Ханбаев Т.Г. Эффективность использования земли в сельском хозяйстве с применением системы показателей. / Т.Г.Ханбаев, Л.С.Даибова // Горное сельское хозяйство. 2016. №1. С. 31-35.
6. Алакоз В.В. Организация использования сельскохозяйственных земель. Провозглашение и реализация. / В.В.Алакоз, Д.А.Овсянников. // Землеустройство, кадастр и мониторинг земель. 2016. №9. С. 13-20.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.06.2019 йилдаги ПФ-5742-сонли "Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" фармони, <https://lex.uz/docs/4378526>
8. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, <https://lex.uz/docs/152653#153074>
9. Недикова Е.В. Эффективность использования сельскохозяйственных угодий Воронежской области в разрезе природно-сельскохозяйственных зон. / Е.В.Недикова, Н.И.Бухтояров, К.Ю.Зотова. // Вестник Воронежского государственного аграрного университета. 2020. №3 (66). С. 209-215.
10. Султанов Б.Ф. Қишлоқ хўжалигига мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишининг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. дисс. авт. и.ф.д. (DSc) – Т., 2020 й.
11. Нилов К.Н. Правовой режим невостребованных земельных долей. / К.Н.Нилов. // Аграрное и земельное право. 2020. № 10(190). С. 193-196.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги ПФ-6243-сонли "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофиликни таъминлаш, ерга бўлган хуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, <https://lex.uz/docs/5450176>
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори, <https://lex.uz/docs/5739815>
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "137-сон қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ижарасига доир ҳуқуқий муносабатлар такомиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори, <https://lex.uz/docs/6421667>
15. Старкова О.Я. Региональный аспект эффективного использования земли в сельском хозяйстве. / О.Я.Старкова. // Социально-экономические науки. 2017. № 3. С. 203-211.
16. Югай А.М. Землепользование в аграрной сфере. / А.М.Югай. // АПК: Экономика, управление. 2018. № 4. С. 56.
17. Иванов Н.И. О разработке документов по планированию и организации использования и охраны земель сельскохозяйственного назначения. / Н.И.Иванов. // Вестник Казанского государственного аграрного университета. 2011. Т. 6. № 1(19). С. 119-122.